




# ТОШКЕНТ



ШАҲАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЁСIIЙ  
ГАЗЕТАСИ

# ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 110 (9.302) 1999 йил 20 сентябрь, душанба

Сотувда эркин нархда

## ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АХБОРОТЛАР



## МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Чуст туманида яшовчи қирғиз миллиятига мансуб бир гуруҳ фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримовга дил сўзлари изҳор этилган мактуб йўллаб, юртимизда барча миллат вакиллари-нинг тинч ва иноқ бўлиб яшашларини таъминлашда олиб бораётган ишларини ниҳоятда қадрлашларини билдирдилар.

◆ Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг амалий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

◆ Маданият ишлари вазирлигининг «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишлаб «Ватанимга таъзим» деб номланган бадиий кеча ўтказди. Ушбу кеча қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов номига миннатдорлик мактуби қабул қилдилар.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонкулов ва ташқи ишлар вазир А. Комиллов ўтказган матбуот анжумани Қирғизистон жанубидаги воқеаларга бағишланди.

◆ Республика Вазирлар Маҳкамасида наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича давлат комиссиясининг мажлиси бўлди.

◆ «Навоийпахтасаноатсотиш» акциядорлик жамияти корхонасида янги пахта ҳосилини қайта ишлашга киришилди.

◆ Ўтган шанба куни Тошкентда «Фидокорлар» Миллий демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши-нинг иккинчи конференцияси бўлиб ўтди.

◆ Қаршида маданият коллежи очилди.

◆ Кеча республика ўрмончилари ўзларининг касб байрамларини нишонладилар.

◆ Шаҳрисабз санъат саройида машҳур кулол Асад Музаффаров уй-музейининг очилиши ва хунарни-лар байрамига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

◆ Эртага Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий курғазмалар залида Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзоси, хизмат кўрсатган санъат арбоби, уста кулол Акбар Раҳимовнинг шахсий курғазмаси очила-ди.

## ЖАХОНДА

◆ Келаси йилнинг 21-23 июль кунларида Японияни-нг Окинава оролида «Катта саккизлик»нинг навбатда-ги саммити бўлади. Шу муносабат билан Япония по-лицияси ҳозирда қоқ хавфсизлик чора-тадбирларини кўришга киришди.

◆ Токиода таниқли ўзбек фотожурналистларидан Вла-димир Ковреин ва Фарҳод Қурбонбоевларнинг кўр-ғазмаси бўлиб ўтди.

◆ Кеча Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе БМТ Бош ассамблеясининг 54-сессияси ишида ишти-рок этиш учун Нью-Йоркка жўнаб кетди. Грузия раҳ-бари океан ортга ташрифи доирасида АҚШ Президен-ти Билл Клинтон ва АҚШ Давлат котиби Мадлен Олб-райт билан биргаликда Кавказдаги тангликни барқар-орлаштириш омилларини муҳокама қилди.

◆ АҚШда Фуқаролик куни нишонланди. Бундан 212 йил муқаддам шу куни конституция тасдиқланган ва бу ерга келган биринчи муҳожир мамлакат фуқароли-гига қабул қилинганди. Шундан буюн АҚШда ушбу са-на Фуқаролик куни сифатида кенг нишонлаб келина-ди.

◆ Россия ва Финляндиянинг тинчлик тарафдорлари Санкт-Петербургда ўтказилган конференцияда халқаро террорчилик муаммоларини муҳокама қилдилар.

◆ Россия пойтахтининг Капотня туманида 76 та ко-пага жойланган тўрт тонна портловчи модда топилди. Ташминларга қараганда, портловчи модда Шимол-ий Кавказдан келтирилган.

◆ Литва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари сўнги беш йил мобайнида энг катта ҳажмдаги — ярим тон-надан зиёд портловчи моддани аниқладилар.

◆ Исроилнинг собиқ бош вазир Бенямин Нетаняху ва унинг рафиқаси Сара Нетаняхунинг ҳокимият тепа-сида бўлган уч йил муқаддидан ичида олган поралари ва жамоат жамғармаларини суиистеъмол қилганликдаги гуноҳ билан полицияга терговга қаҳирилдилар.

◆ Бугун, Австрия пойтахтида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг конференцияси очилади. Бу конференция шу йилнинг 18—19 ноябрь кунлари Истанбул шаҳрида ушбу ташкилотнинг бўлажак сам-мити олдидан унга тайёргарликнинг муҳим босқичи бўлади.

◆ Нью-Йоркда модалар ҳафталиги очилди.

◆ Шу йилнинг 10 октябидан 2 ноябргача Мисрда АҚШ ва 9 та Европа ва Араб давлатларининг бирга-ликдаги ҳарбий машқлари бўлиб ўтади.

◆ Кеча Рим Папаси Иоанн Павел II ташриф билан Моребурга келди. Уни Словения Президенти, шунинг-дек шаҳар мэри кутиб олди. Бу — Рим католик черко-ви бошлигининг сўнги 20 йил мобайнидаги хорижий элларга 88-мarta қилган ташрифидир.

◆ Сурия билан Исроил ўртасидаги тинчликка «бир ой мобайнида» эришилади, деб таъкидлади юксак мар-табали вакил.

◆ Украина Президенти Леонид Кучма Евро — 2000 саралаш мусобақасида Россия билан Украина терма командалари ўртасидаги учрашув Москвада ўтказили-ши лозимлигини таъкидлади.

◆ Ўтган шанба куни Гурузфда «Пушкин ва Крым» деб аталувчи халқаро конференция очилди.

◆ Таниқли белорус эстрада кўшиқчиси Виктор Вуя-чич 68 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

◆ Ўтган шанба куни Россия пойтахтида Москва трам-вайининг 100 йиллигига бағишланган ўзига хос тех-ника паради ўтказилди.

## Ҳамкорлик

### Фойдаланишга топширилди

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «RASTR» қўшма корхонасида янги цех фойдаланишга топширилди. Янги цех Германиянинг машҳур «Хейдельберг» фирмасининг юқори нуқумли энг замонавий дастхоналари билан жиҳоз-ланган бўлиб, уларни Германияда ўз малакаларини оши-риб қайтган ёш мутахассислар бошқармоқда.

«Хейдельберг» фирмасининг босма машиналари дунё миқёсида ўзининг юқори сифати билан ажралиб туради. Шу боис ҳам эндиликда корхонада ишлаб чиқариш ҳаж-ми 2 баробарга ортади. Бу ерда жаҳон андозалари дара-жасида ишлаб чиқарилаётган рангли матбаа маҳсулотла-ри чет элга ҳам экспорт қилинади.

Дилноза ГИЁСОВА.

## ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ ЯҚУНЛАНДИ



Бир ҳафта давомида бутун республика-миз спорт ишқибозларида зўр қизиқиш тудирган, уларни чуқур ҳаяжонга олган теннис бўйича олтинчи халқаро Президент Кубоги му-собақалари ҳам ниҳоятда етди. Албатта, турнирни-нг ҳал қилувчи беллашувлари ниҳоятда кескин, шид-датли ва қизиқарли кечди.

Турнирнинг учинчи ракеткаси — Германиянинг 22 ёшли янги юлдузи Николас Кифер ва нимчорак финалда Ка-фельниковни доғда қолдиришга муваффақ бўлган Чехия вакили Даниел Вацеклар ўртасидаги ярим финал баҳсини олдиндан ўтказилган финал сифатида баҳоласак адаш-маймиз. Гарчи бу йил халқаро мусобақаларда ўзaro ўтказилган иккала беллашувда ҳам Кифер ғолиб чиққан бўл-са-да, бу гал унга осон кечмаслиги аниқ эди. Дарҳақиқат, биринчи сет жуда кескин кечиб, Вацек 4/2 ҳисобида ол-динда бўлган ғалаба-да, охири-оқибатда у Кифернинг 7/6 (4) ҳисобидаги бўласа-би билан тугади. Бундан руҳланган Кифер иккинчи сетни ҳам 6/2 ҳисобида ўз фойдасига яқун-лаб финалга йўланма олди.

Иккинчи ярим финалда эса саралаш мусобақаларидан чиққанига қарамай Огородов ва Россе каби кучли спорт-чиларни доғда қолдириб олга силжиган ва ишқибозлар-нинг сеvimли ўйинчисига айланган швейцариялик спорт-чи Жорж Баствл голландиялик Петер Вессельсини осонлик билан 6/4, 6/3 ҳисобида енгиб, ҳал қилувчи баҳсда қатна-шиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шуниси қувонарлики, жуфтликлар ўртасида швейцария-лик спортчининг таклифи билан ташкил топган Марк Рос-се — Олег Огородов жуфтлигининг ўйиндан-ўйинга маҳор-ати кучайиб бориб, у кетма-кет ғалабаларни қўлга кирит-та бошлади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, яқна ҳолдаги спортчилар ўртасида дастлабки беллашувдаёқ майдонни мағлубият билан тарк этган Олег Огородов ва шунга ўх-шаш ҳолатни бошидан кечирган Марк Росселар жуфтлик-лар мусобақасига катта умид боғлашиб, бутун куч-маҳор-атларини ғалаба учун сарфлашга аҳд қилишганди.

Ушбу жуфтлик жуда қийин кечган ярим финал учрашу-вида Томас Шимада (Япония) — Майл Уэйкфелд (ЖАР)ни 7/5, 6/7 (5), 6/4 ҳисобида енгиб, ишқибозларнинг тиним-сиз қарсақлари остида финал баҳсига йўланма олишди.

18 сентябрь куни ишқибозлар билан тўла Марказий кортга дастлабки финал баҳсида беллашиш учун Огоро-дов — Россе ва Лоренцо Манта (Швейцария) — Марк Кайл (АҚШ) жуфтлиги тўшди. Биринчи сетда ташаббус гоҳ у томон, гоҳ бу томонга ўтиб, 6/6 ҳисобида қайд этилган, сет тақдирини тай-брейк ҳал қилади бўлди. Бунда асо-сан Огородовнинг аниқ ва пухта ўйини жуфтликка 7/4 ҳисобида ғалаба келтирди. Иккинчи сетда ҳам жуда кучли ўйнаган Огородов — Россе жуфтлиги кетма-кет бешта гейм-да ғалаба қозониб, 5/0 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Шу ўринда уларнинг бироз хотиржамликка берилганларидан фойдаланган рақиблари шиддатли ҳужумлар уюштириб хи-собни тенглаштиришга муваффақ бўлишди. Сетдаги хи-соб 6/6га етган, беллашув тақдирини яна тай-брейк ҳал қилади бўлди. Унда жуда чиройли ўйин кўрсатиб, 7/1 ҳисобида устун келган Россе — Огородовлар жуфтликлар ўртасидаги бош совриннинг ҳисоблари бўлишди. Бу Олег Огородовнинг АТП-Тур таснифидаги мусобақаларидаги да-стлабки ғалабаси эди.

Ғолибларга Президент Кубоги турнирининг асосчиси



Сассон Какшури ва Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг раиси Баҳодир Махситовлар махсус кубокларни топшираб экан, кўнглимизда бутун Ўзбекистон спортининг ривожига, унинг оламшумул ғалаба-ларидан чекисиз фахр-ифтихор туйғулари кечди.

Сўнг қортга яқна ҳолдаги ғолибни аниқлаш учун Николас Кифер ва Жорж Баствлар тўшмишди. АТП таснифида кўра Кифер 13-, Баствл эса 154-поғонада бораётган бўлса-да, финал бир-бирига муносиб рақибларнинг баҳсига айлан-ди. Биринчи сет Кифернинг бироз устунигида ўтиб, у 6/4 ҳисобида зафар қучди. Иккинчи сетда ҳам дастлабки учта геймни ютган ҳолда у 6/2 ҳисобида устун келиб ҳақли равишда Президент Кубогининг ғолиби бўлди. Бу ғалаба Киферга йил охирида Ганноверда ўтказилган АТП-Тур сериясидаги жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини бер-ди...

...Марказий кортга Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги мусобақаларида қатнашган 26 мамлакат байроқлари олиб кирилади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримовга берилди.

— Хонимлар ва жаноблар, ҳурматли меҳмонлар, — деди жумладан Юрбошимиз, — катта теннис бўйича Президент Кубоги учун ўтказилган олтин-чи турнир ҳам яқунланди. Бар-чамиз ўтган кунлар давомида кортларда ва телевизорлар эк-ранлари орқали қизиқарли му-собақалар натижаларини орзи-қиб кутдик. Шунга айтиш ке-ракки, турнир жуда юқори да-ражада ўтди ва мен мазкур му-собақаларни ўтказишга ўз хи-сасини қўшган барчага миннат-дорчилик билдиришни истар-дим. Шунга алоҳида таъкидлаш жоизки, Президент Кубоги му-собақаларининг даражаси, унинг нуфузи, рейтинги, авва-

ламбор, имконият топиб, бизнинг турниримизда иштирок этган юлдузлар, жаҳон даражасидаги профессионаллар билан белгиланади. Шу сабабдан мен мусобақаларимизда иштирок этиб, унга фойз киритган барча маҳоратли тен-нисчилар, авваламбор, қадрдонимиз Евгений Кафельни-ков, Марат Сафин, Русседски, Кучера, Вацек ва бошқалар-га ташаккур изҳор қиламан.

Мен бугун барчангизни турнир ўтказилаётган олти йил давомида илк бор бизнинг ватандошимиз Огородов қадр-донимиз Россе билан бирга жуфтликлар ўртасидаги мусоба-қаларда ғалаба қозонгани билан қутлаган ҳолда ўзимни ниҳоятда бахтиёр сезмокдаман. Уйлайманки, бу турнирда ҳеч ким ютқазгани йўқ.

Ҳар доим мана шундай катта анжуманларда, мусобақа-ларда узокдан келган меҳмонларни ажайиб кутиб олган-нингиз, мана шундай олийжаноблик, бағрикенгликни кўр-саганингиз учун мен доимо шундай халққа мансуб бўл-ганлигимдан мағрурланаман.

Доим осмонимиз мана шундай мусаффо бўлсин, доим мана шундай меҳмонлар келаверсин, бағримиз кенг, доим шундай тўйлар бўлаверсин.

Сўнг давлатимиз раҳбари турнир асосчиси Сассон Как-шури, ҳакамлар хайъати ва мусобақани ёритишга хисса қўшган барча журналистларга миннатдорчилик билдирди.

Юрбошимиз Исроил Каримов финалда ажайиб ўйин кўр-сатган Николас Кифер ва Жорж Баствларга миллий одати-мизга кўра зарчопон, дўпни ва белбоғ кийгизиб, махсус совринларни топширганда Марказий корт ишқибозларин-г қарсақларидан ларзага келди.

Дарҳақиқат, Президент Кубоги мусобақаларининг шов-шувли натижаларга бой бўлгани, унда Жорж Баствл каби янги юлдузларнинг кашф этилиши, ярим финал ва финал мусобақаларининг юқори савияда ўтиши, беллашувларни-нг курраи замин, бўйлаб ойнаи жаҳон орқали кенг на-мойиш этилиши унинг жаҳондаги энг нуфузли теннис му-собақаларидан бирига айланганидан далолат беради.

Мусобақа мутасаддиларининг қуйидаги мулоҳазалари ҳам фикримиз далилидир.

◆ Сассон КАКШУРИ,

Президент Кубоги мусобақаларининг асосчиси:

— Бу галги турнир йирик теннис юлдузларига бойлиги, қутилмаган натижаларнинг қўплиги билан алоҳида ўрин тугади. Мен Олег Огородовнинг жуфтлик мусобақалари-даги ғалабасини Ўзбекистондаги тенниснинг ривожига кўр-сатилаётган катта эътибор, шахсан Президент Исроил Каримовнинг бу борадаги гамхўрликларининг меваси деб биламан. Уйлайманки, турнирнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораверади.

◆ Иво ШЧЕПАНОВИЧ,

Президент Кубоги мусобақаларининг матбуот мар-кази раҳбари:

— Гарчи кўпгина машҳур теннисчилар қутилмаганда ют-қазиб қўйган бўлсалар-да, Президент Кубоги мусобақала-рини дунёдаги энг кучли турнирлардан бири деб била-ман. Зеро, бутун жаҳонга машҳур Кафельников, Русседски, Пиолин, Кифер, Кучера каби ўйинчиларнинг иштироки тур-нирнинг катта ютуғидир.

Мен учинчи йилдирки, ушбу мусобақаларда матбуот мар-казини бошқаряпман. Шаҳрингизнинг замонавий иншоот-лари менда жуда яхши таассурот қолдирмоқда. Келаси йили ҳам жон деб ишлашга тайёрман.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: Президент Кубоги мусобақаларининг яқунловчи дақиқаларидан лаҳзалар. Рустам Шарипов олган суратлар.



Агар бугун жаҳон воқеа-лари бирон жиҳатдан тах-лил этиладиган бўлса, он-ли шахс Россия, Чеченис-тон, Тожикистон, Қирғизис-тон ва Афғонистондаги ах-волни четлаб ўтолмайди. Негаки, номлари тилга олинган ва ҳатто олинмаган айрим мамлакатларда тарих филдирагини орқага юргаз-моқчи бўлган хаёлпараст, экстремист, кўпоровчи, бир-овлар ерини, мол-мулки-ни босиб, талончилик қи-лишга интилаётган кучлар мавжудлиги эндиликда сир бўлмай қолди.

Уйлаб қарайлик: Россия-да қизиқ кетаётган сайло-волди курашлари, партия-лар, блоklar, гуруҳлар орасида эски совет давлат тузумини тиклашни дангал эълон қилиб, турли халк ва миллатларнинг миллионлаб гулларини етмиш йиллар мобайнида ноҳақдан-ноҳақ қонини тўкиб келган қотил-лар — ўзларини пролетар дохийлари деб атаган Ле-нин, Сталиндек жаллодлар-ни «амиша биз билан!» деб жар солаётган ҳовликмалар айтишга нима маламат бериши-ни ким билмайди?! Ахир Афғонистонда ҳам, Чеченис-тонда ҳам, Тожикистонда ҳам бугунги фожияларга сургаб келган асл манба ёки қора кучлар кимлар эканлигини эндиликда ким теран аниқла-майди?! Тинч аҳоли ўртаси-да фитналар, миллатлар ёки турли диний эътиқодчилар орасида иғвогарлик билан зиддиятлар келтириб чиқар-иш билан ўз ёвуз ниятла-рини амалга ошириб олиши-ни, шу билан бутун-бутун

ўлка, минтақага ҳужайин бў-либ олишни кўзда тутатган қора кучлар эндиликда ду-нённинг турли ҳудудларида кўриниб турибди... Буни

## «Оқшом» шарҳи ТАРИХ ФИЛДИРАГИ ОРҚАГА ЮРМАЙДИ!

пайқамаслик мумкин эмас. Урта Осиёнинг турли жойла-рида турли шаклларда чи-қиб турган террорчилар, кў-поровчиларнинг негизлари Афғонистон, Чеченистон, Покистон, Тожикистонга бо-риб тақалаётгани бизни таш-вишга солмай қўймайди. Қирғизистоннинг Уш вилоя-ти, айниқса унинг Тожикис-

Истиклолимизнинг 8 йилли-ги муносабати билан пойтах-тимиздаги хорижий элчихо-наларнинг ходимлари билан бўлган учрашувда ҳам қанда жуда ўринли қиқш қилди-лар. Нега жаҳон оммавий ах-борот воситалари, демократ-тик матбуот бу воқеаларга лоқайд қарайди?! Зеро биз тилга олиб ўтган ҳудудлар-даги кўпоровчилар оддий террорчиларгина эмас, бал-ки, бутун қитъаимизда гўё «шариатга мувофиқ ислом давлати ўрнатамиз» деган экстремистлар ва уларнинг орқасида турган, уларни озик-овқат, қурол-яроғ, пул билан таъминлаб турган тая-нчлари борлиги дангал айтилди...

Биз Доғистонда рўй бе-раётган қонли воқеаларни-нг Марказий Осиёда, шу жумладан Тожикистонда, Қирғизистонда, айниқса Ўзбекистонда ҳам бўлиши-ни сира-сира истамаймиз. Аммо минтақамиздаги муста-қилликни қўрқмаётган фарзчилар эндиликда биз-ни орқага қайтара олмас-ликларини англаб олишлар-и лозим. Орқадаги йўл-лар, кўприклар бузиб таш-ланганига 8 йил бўлиб, тўқ-қизинчи йилга кетмоқда-миз. Халқимиз қизил им-перия қафасидан эндигина қутилиб чиққан бўлса, бу кунларни жон-дили билан байрамлар қўлиб юрсан, Истиқлол нашъу намосини тобора теранроқ хис этаётган бўлса-да, яна ўзи-ни қафасга урадими?! Йўқ, минг марта йўқ! Тарих фил-дираги орқага ҳеч қачон юрган эмас, юрмайди ҳам!

Ўзбекистон ёшлари XXI аср бўсағасида

# БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

**Бутун дунё, инсоният янги асрга қадам қўйиши арафасида турибди. Хар оқшом «Ёшлар» телеканалининг «Давр» ахборот дастури бизга XXI асрга неча кун қолганини эслатмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясида биз янги минг йилликка нималар билан кириб борамиз-у, нималардан воз кечишимиз керак, деган саволарни ўртага қўйганлиги ҳам бежиз эмас.**

**Давлатимиз раҳбари бу саволларга кўндан бўён жавоб излайди. Айниқса, Юртбошимизнинг бу борда келажак буюк Ўзбекистон ёшларидан умидлари катта. Ёшларимиз-чи?! Уларнинг янги асрдаги мақсад ва вазифалари қандай бўлади? Бизнинг ҳамма тўғрилик наодал ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси бош мутахассиси Фазлиддин Курбанов билан суҳбатимиз ҳам бугунги кун мустақил Ўзбекистон ёшлари — келажакимиз эгалари XXI асрга қандай эзгу орзу-истаклар, мақсадлар билан кириб бораётгани мавзусида бўлди.**

— Баъзан, ўйлиб қолсан киши. Республикада кўп жамоат ташкилотлари, ёшларнинг «Камолот» жамғармаси фаолият кўрсатиб келаётган, уларнинг ҳар бири олдига қўйган аниқ мақсад ва вазифаларини имкон қадар амалга ошириб келаётган бўлса-да, бироқ бахтга қарши кўпчилик ёшларимиз бир гуруҳ ғаламисларнинг мустақилликка қарши муфаккасига осонликча берилиб кетишмоқда. Буларнинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Бу саволнингизга мен, албатта, ўз шахсий мулоҳазам орқали жавоб қайтарман. Менинг фикримча, инсон тафаккурининг ўзи хос устулик томонлари билан бирга айрим салбий томонлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири киши ўз шахсий ҳаётидаги қийинчилик ва омадсизликларни сабабини ўзиндан, ўз қилмишларидан деб эмас, балки ўзга бир шахслардан қидиришидир. Бундай кишиларни эса янги кунда бир йўналиш ёки турли хил ғараз мақсадлар билан йўлида бунёд этилган оқимлар осонликча ўз домига торта олади. Аслида эса, биз шахсий турмуш тартибимизни яхшилаш, ўз ҳаётимизни ўзгартиришни, дастлаб ўз онгимиз, тафаккуримиз ва дунёқарашимизни яхши томонга ўзгартиришдан бошлашимиз лозим.

Бундан ташқари биздаги мавжуд жамғарма, жамоат ташкилотлари ва ёшлар билан ишлаш бўлимлиридаги асосий ҳаракатлантурувчи куч, бу — белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш ва системали равишда йиллик ҳисоботларни амалга ошириш ҳамда юқори органлар олдидаги масъулиятни адо этишдан иборатдир. Сўнгги пайтда пайдо бўлаётган турли маънаб ва диний оқимларни асосий ҳаракатлантурувчи куч эса уларнинг ҳар бирининг қалбидаги ўз диний оқими ва маънабига нисбатан бўлган кучли эътиқоддир. Биз шу нарсани тан олишимиз керакки, расмий масъулият ва жавобгарликка асосланган ҳаракатлантурувчи

кучдан эътиқодга асосланган ҳаракатлантурувчи куч анчагина устунроқдир. Мана шу боисдан ҳам кунни кеча пайдо бўлган диний йўналишлар, биздаги қонуний, фаол ташкилотлардан кўра бирмунча тезроқ ёшларимиз онгини асир этмоқда. Бироқ шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишим лозимки, инсон зоти юрагида масъулият, жавобгарлик ва ниҳоят эътиқод туйғусидан ҳам устунроқ бир туйғу мавжуд бўлиб, бу муҳаббат туйғусидир. Биз ташкил этмоқчи бўлган бу марказни ҳаракатлантурувчи воситаси эса ана шу муҳаббат туйғусидан, аниқроғи шахсан ўзларига нисбатан бўлган муҳаббат кучидан иборат бўлади. Ана шу муҳаббат кучи билан биз ўз марказимиз фаолияти мобайнида мустақил Ўзбекистонимиздаги ҳар бир ёш авлодининг қалбини турли хил белгилардан ҳимоя қиламиз.

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этаркан. Шу боисдан келажак авлодни тарбиялаш ва ёшлар билан ишлашни янада ривожлантириш учун бизнинг юртимизда амалга оширилаётган умумий фаолиятнинг 60 фоизини ёшларга қаратишимиз лозим бўлади. Бунинг учун эса «Камолот» ёшлар жамғармаси билан бир қаторда ёшлар билан ишлаш учун яна бир марказ ташкил этилиши ёшларга қаратилган диққат-эътиборнинг ажралмас бир қисмига айланади, деб ўйлайман.

— Бугунги кунда Ўзбекистондаги бошқа кўпчилик нодавлат ташкилотлари ва бир қатор жамғарма ҳамда марказлардан сизлар ташкил этишга ҳаракат қилаётган марказнинг фарқи нимада, деб ўйлайсиз?

— Бу марказнинг бошқа ташкилот ва жамғармалардан фарқи шундай бўладики, унда фақат олий маълумотли ёш йигит-қизлар иш олиб борадилар. Бу марказ шунингдек, ўз фаолияти билан давлат бошқарув органларига Президент Фармонлари ва фармойишларини ҳар бир шаҳар ва қишлоқдаги ёшларимиз ҳаётига беvosита етказиш учун кўмакчилик

вазифасини ҳам бажарали. Биз бепоён юртимизнинг одис шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган ёш йигит-қизларнинг юрагида миллий гуруҳ туйғусини уйғотиш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ҳиссини шакллантириш ва давлатимизнинг айна кундаги буюк келажак куриши йўлидаги юртайтган фаолиятини ёшлар қалбига чуқур олиб кириш учун билим ва поклик билан қуролланган ёшлардан иборат марказ тузиш бугунги кун талаби деб ўйлайман.

— Сиз мазкур марказнинг чет эллардаги фаолияти ва уни чет элликлар томонидан қарши олиншини қандай тасаввур этасиз?

— Бу жуда ўринли савол. Мен бу марказнинг юртимиздаги ва чет эллардаги фаолиятини жуда яхши тасаввур этаман. Бу марказ ўз фаолияти давомида Президентимизнинг Америкада ўзбекистонлик ёшлар билан ўтказган суҳбатларида: «Мен ривожланган Европа мамлакатларининг техник ва моддий тараққиётига ҳавас қиламан ва ишончим комилки Ўзбекистон келажакда ана шундай тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилиди, бироқ орномус, шарму ҳаё, ифбат, қолаверса маънавият каби инсоний фазилатлар бора-бора Ер юзидagi ҳеч бир мамлакат биздан ўзиб кетолмайди», — деган қатъий ва бетакрор сўзларини асос қилиб олади.

Америка ўзининг моддий тараққиёти, Япония каби давлатлар ўзининг ажойиб техник тараққиёти билан дунёни забт этиб турган пайтда, биз режалаштираётган ана шу марказ фаолияти билан инсонийлик туйғулариининг ўзбек халқида чинакамига мужассам эканини намойиш этамиз.

Юртбошимиз Америкада тахсил олаётган талабалар билан ўтказган суҳбатларида: «Мен Мустақил Ўзбекистонимиз келажакни, тақдирини, қолаверса, ўзимнинг тақдиримни ҳам сиз ёшлар қўлига топширишга тайёрман», — деган жуда ҳам таъсирли сўзларни айтиб ўтдилар. Мен уларнинг биз, ёшларга нисбатан ўта ишонч ва меҳр билан айтган сўзларига жавобан айтмоқчиманки, биз ёшлар, албатта, собит қадим ила буюк келажак сари борамиз. Биз, албатта, келажакда юртимизда бошланган улкан ишларнинг давомчисига айланамиз. Хўр Ватанимиз Мустақиллигини бир жону бир тан бўлиб ҳимоя этамиз. Зеро, бизнинг жисмиимизда буюк бобомиз Амир Темурнинг қони жўш уриб турибди.

**Холида ИСКАНДАРОВА суҳбатлашди.**



Курилиши

## БУНЁДКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Янги ўқув йилини янги бешода бошлаган Сирғали туманидаги молия-иқтисод коллежи талабаларининг қувончи чексиз. Сабаби ёруғ, кенг ва замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган хоналарда ўқувчилар катта завқ-шавқ билан ўқий бошладилар.**

— Коллежимиз биноси уч корпусдан иборат, — дейди директор ўринбосари Абдуқанош Хушвақтов. — Бунда икки корпусда ўқув хоналари бўлса, биттаси умумий бўлиб, унда ошхона, спорт ва мажлислар зали ўрин олган. Айни вақтда баскетбол ва

(Суратли лавҳа)

футбол майдонлари, теннис кортида курилиш давом этмоқда. Ўқув масканимиз асосан 900 ўқувчига мўлжалланган. Янги ўқув йилида 320 нафар ўқувчи қабул қилинди. Бу ерда таҳсил оладиганлар солиқ, молия, ҳисобчи, банкда иш юритувчи, ҳуқуқшунос ва сўғурта агенти мутахассисларининг дастлабки билим соҳиблари бўлиб етиштирилди. Ўқувчилар учун махсус лингафон ва компьютер хоналари мавжуд. Амалий машғулотларни олиб боришда ёрдам бўлсин деб ҳар бир хонага телевизор



Мавзу:

Гулбахор МҮМИНОВА. СУРАТЛАРДА: коллеж ҳаётидан лавҳалар. Рустам Шарипов олган суратлар.

## Қадриятларимиз «МЕҲРЖОН» — ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИ

**19 сентябрь — яқшанба кунни пойтахтимизнинг сўлим оромгоҳларидан бири — Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида истиқлолимизнинг яна бир шукроналик айёми бўлган «Меҳржон» байрами ўтказилди.**

— «Меҳржон» — чин маънода истиқлолимизнинг шукроналик айёми, юртимиз мустақилликка эришгандан кейин миллий қадриятларимиз тикланаётганлигига яна бир ёрқин далилдир, — дейди тарих фанлари номзоди, таниқли элшунос олим Билал Аминов. — Маълумки, бу байрамда ҳам сайлга ташриф буюрган кишилар маза қилиб дам олдилар, олтин куз неъматлари савдо қўрғазми ва танловининг гувоҳи бўлдилар. Бинобарин, бу галги байрамнинг ҳам аввалгилари сингари файзли ва мароқли ўтиши учун барча имкониятлар ишга солинди.

Дарҳақиқат, «Меҳржон» байрами дастуридан таниқли олимлар, шоирлар ва ёзувчиларнинг чиқишлари,

эл севган санъаткорлар ва бадий ҳаваскорлик жамоаларининг дастурлари, илғор қишлоқ хўжалик жамоалари, шахсий хўжаликлар, оила гунаҳмандлари, ҳаваскор гул ўстирувчи ва қўш боқувчиларнинг кўрғазми ўрин олган эди. Бундан ташқари аёллар учун дастурхон тузатиш маҳорати, эркаклар учун палов тайёрлаш танловлари ўтказилди, миллий спорт ўйинлари ва мусобақалари бу ерга келганларнинг қалбига бир олам қувонч бағишлади. Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликларининг сайёҳлик билан ўтказилган шукроналик байрами — «Меҳржон» байрамида, театрлаштирилган байрам сайли ниҳоятда буюк эҳтишом билан барча танловларнинг ғолиблари эсдалик совғалари билан муносиб тақдирландилар. **Хондамир СОЛИҚОВ.**

Тиббиёт

## «ИШОНЧ ТЕЛЕФОН» ХИЗМАТИНГИЗДА

Кейинги пайтларда давр талабларидан кейин чиққан ҳолда республикамизда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили 10 ноябрда Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастури қабул қилинган бўлса, шу йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув аппаратини такомиллантириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди. Шу қарор асосида шахримизда пойтахт фуқароларининг соғлигини сақлашни муҳофаза қилиш, уларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш, тиббиёт соҳасидаги турли-тутун иллатлар, хусусан коррупцияга қарши бешафат кураш олиб бориш, дори-дармонлар савдоси тизимини текшириш, аҳолидан тушаётган ҳақлар, мурожаатларни текшириш ва керакли ташкилотларни тайёрлаш фаолияти билан шугулланишчи нозорат инспекцияси ташкил этилди. Энг асосийси, ушбу инспекция учун барча идораларнинг эшиклари очик бўлиб, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси уларнинг фаолият кўрсатишлари учун барча керакли шарт-шароитларни яраб берди.

— Бир сўз билан айтганда, — дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Рашид Султонов, — халқимизга қўриқилган тиббий ёрдамнинг сифатини текшириш, аниқланган камчилик ва муаммоларга бевосита таъкил этилган шаҳар нозорат инспекцияси тизимини, шифохоналар ва дорихоналардаги хизматнинг сифати ва савиясини ўрганиш, халқ фароғатини билиш юмушларини бошлаб юборди ва унинг дастлабки ижобий натижаларининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Тиббиёт хизмати кўрсатиш борасидаги салбий ҳолатлар, камчиликлар бўлса Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси қошидаги нозорат инспекциясига 133-45-06 телефони орқали қўнроқ қилиб ўз шикоят ва тақлифларингизни билдиришингизни сўраймиз.

## Ўй муборак!

### ҲОВЛИ ТҮЙЛАРИ

**Пойтахтимизнинг Ойбек кўчасида 9 қаватли иккита замонавий ўй қуриб битказилиб, 72 хонадон эгаларига топширилганга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. «Ўзўйжой жамғармабанк» буюртмасига асосан қурилган бу ўйлар 3 ҳамда 4 хоналардан иборат бўлиб, ошхона ва айвонларнинг кенг ва қулайлиги билан ажралиб туради.**

Айни кунларда эса шу ўйлар ёнида яна иккита худди шундай турар жой бинолари қад ростламоқда. 1-ва 2-

Дилноза ФИЁВА.

## Нозорат инспекцияси

### ИЖРО ИНТИЗОМИ ҚАНДАЙ?

Шайхонтоҳур тумани нозорат инспекциясининг 1999 йилнинг иккинчи ярмидаги асосий иш йўналишларига мувофиқ туман ҳудудидagi мактабгача бўлган муассасаларда кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик кўриш аҳоли, санитария-гигиена қонун-қоидаларига ҳамда ижрочилик интизомига риоя этилиши 50 та мактабгача бўлган муассасалардан 10 тасида ёки 20 фоизда ўрганилди. Ҳозирги тўғриликнинг маъноси, халқ таълими бўлими ва санитария-эпидемиология станциясининг масъул ходимлари билан биргаликда олиб борилиб, текшириш натижалари нозорат инспекциясининг навбатдаги муҳофазасига олиб чиқилди. Йўналиш тўғрисида туман ҳокими М. А. Одилов олиб борди. Ушбу масалани ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 мартдаги 1933-сонли «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни қўлга келтириш тўғрисида»ги Фармони талабларининг бажарилиши кўрилганда ўрганилган мактабгача бўлган муассасаларнинг аксариятида санитария-гигиена қонун-қоидаларига ва нормаларига риоя қилинмаганлиги сабабли 10 та мансабдор шахс жавобгарликка тортилиб улардан жами 66500 сўмлик жарима ундирилди. Шунингдек, йўғилиш-

да қабул қилинган қарга асосан бюджетдан ажталаётган маблағлар маддага мувофиқ ишлатилмалиги сабабли 4 та болар боғчасининг мудири ҳамда масъул ходимнинг ишига етарли эҳтишом ва эгаллаб тан лавозимига мувофиқларини кўриб чиқиш жан халқ таълими бўлими ва барининг зиммасига илатилди ҳамда аниқланган хато ва камчиликларни тароф этиш чораларни кўриш тегишли бўлим ахбарларига топширилди. **Х. ШУҚУВ, Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, нозорат инспекциясининг раҳбари.**

## Солиқчиларнинг кўзи бир машинадан иккинчисига юк ортаётган йўлчиларга тушди-ю дарҳол йўлни шу томонга солишди.

Яққасор тумани Юсуф Хос Хожи кўчасида истиқомат қилувчи Зоҳид Раҳимқулов ўз «Жигули»-сида олиб келган салқин ичимликларни харидор Хожиакбар Қосимовнинг машинасига ўтказётган экан. Бир ярим литрли полиэтилен идишларга қўйилган 48 дона «Кока-кола», 42 дона «Спрайт», 60 дона «Банаква» ичимликларни учун харидор 15,3 минг сўм тўлаб турган пайтда солиқчилар назорат тартибиде текширув эълон қилдилар.

Суриштирув давомида ичимликлар қўлбола эканлиги, уларни Мирзо Улуғбек кўчасида истиқомат қилувчи «тадбиркорлар» Галина Жулидина ва Ирина Горшкова тайёрлаб берганлиги маълум бўлди. Зоҳид Раҳимқулов

бу махсусотларни гоҳ у кўчада, гоҳ бу кўчада устама нархда пуллаб кун кечирар экан.

Солиқчилар назорат тартибиде текширув ўтказиш учун ишбилармон дўгонларнинг уйига кириб боришганда Ирина Горшкова 1,5 литрли полиэтилен идишларга қўйилган 168 дона «Фанта»ни, Галина Жулидина эса 54 дона «Фанта»ни сотишга тахт қилиб қўйилган эди. Бундан ташқари «Банаква», «Спрайт» каби ичимликларнинг ёрликлари, полиэтилен идишлар, турли мосламалар ҳам топилди. Ичимликлар ўз-ўзидан тайёр бўлмади. Уларга турли хил ранглар, концентратлар керак. Хўш, бу хом ашёлар қаердан келаяпти?

Солиқчилар текширув ишларини янада чуқурлаштирилди. Шунда ишбилармон дўгонларга хом ашёни фуқаро Маҳмуд Зокиров етказиб бериши маълум бўлди. Галина ва Ирина эса мех-

## АРҚОННИНГ УЧИ

натлари эвазига ҳар 1,5 литрлик ичимлик учун 8 сўмдан ҳақ олишаркан, холос. Демак, ишбоши Маҳмуд экан. Далилий ашёлар солиқчиларни Маҳмуднинг «Қорасув-6» даҳасидаги темир гаражига бошлаб келди. Гаражда 1,5 литрли полиэтилен идишларга қўйилган 1062 дона салқин ичимликлар тахланиб турарди. Улар ёнида апельсин концентратлари, ичимликларни қадоклаш учун ишлатиладиган полиэтилен плёнкалар, турли хил ёрликлар уюлиб ётарди. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси ходимлари ҳозир мазкур ҳолат бўйича суриштирув ишларини давом эттиришапти.

## Солиқ

хобчаларида ҳам бирорта нозорат касса машинаси йўқ экан. Музқаймоқнинг сифати суриштирилганда цех Давлат стандартлаштириш қўмитасининг мувофиқлик сертификатига эга эмаслиги маълум бўлди. Солиқчилар солиқларнинг тўлиғини билан ҳам қизиқишди. Шунда цех солиқларнинг бирор турини ҳам тўламай келаятганлиги аниқланди. Биргина ер солиғидан 244 минг сўм қарзи бор экан. Ушбу ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб боришмоқда. Савдода нозорат касса машиналарини қўлламаслик ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Ҳамма тўғриликда М. Хансанова кўчасида жойлашган «Е Исло» жамоат корхонасининг 5 та савдо шох-хобчасида ўтказилган текширувда кейинги ўн ой давомида 6660,6 минг сўм нақд пул нозорат касса машинасидан ўтказилмаганлиги маълум бўлди. Корхона раҳбари И. Мамадов ево шох-хобчаларидан йўғилган 46 минг сўмни кечгада чўнтағига уриб қибди. Бу пул ўрнига қўйилгани, қми номаълум. Солиқчилар корхонанинг қантал цехининг экспедитори З. Тўхтамовнинг фаолиятини текширишганидан ҳам катта камчиликлар аниқланди. Цехда 92 қўқ қако кукунининг теъмом мuddати аллақачон ўтбетиб бўлса ҳам ундан фойдаланиб, наапти. Корхонадаги товар мдий бойликлар қайта ҳисобдан ўтказилганда 582 минг сўмлик камамад қибди. Бундай молиявий бузилишларошқа корхоналарда ҳам учраб турди. Шаҳар солиқчилари ҳар бир куш ҳолатининг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиб, ҳуқуқни муҳофазаувчи идораларга ўз хулосаларини ермақдалар. **Жасур НОСИВ.**

Биз юқорида келтирган — ёшларга илм-маърифат бериш нақадар зарурлиги ёниб тарғиб этилган мулоҳаза ва айни бундан қўзланган асл мақсад — Ватанга меҳр қўйиш, унга садоқат билан хизмат қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳонда беқияс гўзаллигига эътиборни жалб қилиб, ёшларда Ватан туйғусидек бир олий ҳиссийни уйғотиш, ривожлантиришга қаратилган шеърли сатрлар қарийб бундан салкам бир асрлар муқаддам ёзилган.

1970-йилларнинг ўрталари ва иккинчи ярмида бироз эркинроқ фикрлар, айтиш, айрим миллий қадриятларимизни тиклаш борасида, жуда қийинчиликлар, тўсиқлар билан бўлса-да, бир қадар ишлар — ўша замон кўтаришига қараб, амалга оширилга бошлаган эди. Бу даврларга келиб Абдулла Қодирийнинг романлари қайта-қайта нашр этилган, Фитратнинг «Қиёмат», «Шайтоннинг тағригига исён», «Ғоиб Юнуснинг, Элбек, Боту каби аждодларимизнинг айрим асарлари бирин-кетин чоп этилаётган эди... Шoir ва олим — Ўткир Рашид 69—70-йилларга келиб Усмон Носирнинг икки китобидан иборат асарлар тўпламини нашр эттирди, унга ўзи сўзбоши ёзди, Усмон Носирнинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни — яна айтаман, ўша давр вазиёти кўрайдиган бир руҳда изоҳлайди... Аммо ҳали миллий қадриятларимизни тиклаш, улар ҳақида бор ҳақиқатни айтиш имконияти йўқ эди. Агар бир буюк ёзувчи ижоднинг бирор юксак жиҳатини жиндек кўтариб айтиш учун аввало унинг асарларини тиклаб бир қатор «камчиликлари, нуқсонлари, советлар мафқурасига тўғри келмайдиган» томонларини топиб бир сўкиб олим талаб этиларди. Масаланинг бу томонига келганда «шамолга қараб юз бирайдиганлар» худди 20—30-йиллардаги талончиликни бемалол давом эттирдилар. Қодирий асарларининг 70—80-йилларда чоп этилган романларига ёзилган сўзбоши-ю унга атаб ишланган расмларга бир разм солсангиз бу манзараларнинг ёрқин намоёишини кўрасиз. Худди шундай бир вазиётда адабиётшунос Беғали Қосимов Абдулла Авлоний асарларини тўплаб 79-йилда чоп эттирди. Унга ўзи яхшигина сўзбоши ёзди. Тўпламга «Тошкент тонги» деб ном қўйилган ва унга Авлоний қаламига мансуб шеърлар, масаллар, ривоятлар, драмалардан намуналар киритилган...

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Абдулла Авлоний ҳаёти ва ижодий фаолиятига анча ҳолис ёндошилади, бу сўзбошида аниқ сезилади. Зеро, бундан йигирма йиллар илгари Абдулла Авлонийнинг педагогик қарашлари ҳақида педагог-олим Муҳиддин Маҳсумов номзодлик диссертацияси ёқлаганда — Авлоний шашнига қора до ёпиштириб келганлардан айримлари унга қаттиқ ҳужум қилганларини ҳам биламиз. Аммо софид кўпчилик-жамоатчилик диссертантни ҳимоя қилди, тадқиқотчи галабаси билан иш аяқланди... Шундан буён чиққан мазкур тўплам Авлоний ҳаёти ва фаолиятини: асарларини кенгроқ кўламада тарғиб этишда ўш муносиби ҳиссасини қўшиб келмоқда... Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, мазкур тўпламга ёзилган сўзбоши ҳам — ўша 70-йилларга ҳос ҳужумрон мафқура таъсиридан четда қолган эмас, бу табиий эди. Муаллиф ва бошқалар кейинчалик Авлоний ҳақида бор дўвоз билан бемалол тўғри фикр-мулоҳазаларини баён этуви қўллаб чиқишлар қилдилар. Ўзбек адабиёти тарихида бундай ҳоллар неча йиллардан буён давом этиб келаётганини синчковлик билан кузатиб келаётган зиёлилар яхши билишадилар... Шу ўринда бир мулоҳазага эҳтиёж бор: демократизм, бир вақтлар — қарамлик — кулликда яшаётган кезларимизда — миллий қадриятларимизга босқинчилар росман ҳужум қилганларини биламиз. Шунда ўз ичимиздан чиққан ёвуз нијати кимсалар — уларга нақадар дастёрлик қилиб катта-катта муқофотлар олганларини ҳам биламиз... Ана ўша тоифаларнинг дунёқарашини ўзгартириш ҳамон қийин кечмоқдалигини ҳамма ҳам тўғри идрок этармикан?! Афсуски, йўқ! Агар бутун ўзбек халқи шуни катта-ю кичик баробар ҳис этганда — орамиздан ёвузлар, сотқинлар, мунофиқлар чикмасди!.. Биз бугун миллий қадриятларимиз, Ватан туйғусини каби муқаддас мавзуларда қанчалик фикр юритмайлик, аслида мақсадимиз ва айтиш мумкин, энг олий нијатимиз — Мустақиллик берган неъматларни сақлаб қолиш, уларни ёвларимиздан ҳимоя қилиш, маънавийтимизни ҳимоя қилиш эса, ўз-ўзидан Ватанини ҳимоя қилиш билан уйғунашга кетади. Негаки, Ватан бўлмаса-маънавият йўқ, маънавият бўлмаса, Ватан йўқ. Бу иккиси бирга яшайди, бирга ривожланади, бирга-бирга мавжуд бўлади десак хато бўлмаса керак...

Агар биз бугунги мавзуйимизни буюк аждодларимиздан бири — Абдулла Авлоний ҳаёти ва ижоди, ундан бизга қолган бой маънавий мерос, унинг бугунги

аҳамияти, миллий тарихимизда тутган ўрни масалаларига бағишлайдиган бўлсак, ўтмишимизнинг ҳозирги ҳаётини муаммоларимиз билан нақадар ҳамоҳанглигига ҳайрон қоламиз. Зеро, ўтмишсиз келажак йўқлиги ҳақидаги Юртбошимиз мулоҳазаларида қанчалик ҳақиқат борлигига яна бир бор тан берамиз. Тўғри, бундай мулоҳазалар илгарилар ҳам айтилган, ёзилган, аммо шўролар даврида ҳам шу фикрлар ёзилиб-айтилиб туриб, ўтмишимизга қарши оммавий равишда қирғин қилинганини бизнинг ёшдагилар ўз кўзи билан кўрди-ку?! Кўп-кўп буюк аждодларимиз миллий тарихимиз, миллий анъаналаримиз, миллий маданиятимиз, маънавийтимизни ҳимоя қилганлари учун қатл этилганларини ким билмайди?! Биз ана шу воқеа-ҳодисаларни тез-тез эслаб туриш билан Истиқлолимиз маънавий оламда нималар бергани ва бераётганини ёшларимизга, ҳатто айрим катталаримизга, дунёқарашда ҳамон ўзгартиш қилолмаётган кимсаларга турли воситалар билан, шу жумладан миллий қадриятларимиз ҳақидаги

лариди қилган орзу-умидлари бугун жанрлаб тургандай, бугун айтилаётгандай, муллоқоқ эскирмаганилиги, ҳамон тарбиявий аҳамиятини йўқотмаганилиги билан ўз қимматини тобора ошира бормоқда. Худди шу фазилатлари билан мазкур маънавий хазина умуминсоний аҳамият касб этади, дунё турғунча туради десак, мулоҳаза бўлмаса керак...

Абдулла Авлоний биз келтирган сатрларни 1916 йилда — Туркистон ўлкасида чор босқинчилари томонидан ўтказилган «Мардикор олиш» деб аталган мудҳис бир тадбир амалга оширилаётган кезларда ёзди. Бу давр ўзбек халқи тарихида қандай кечгани ҳақида Чўлпон, Зиё Саид, Мўминжон Мухаммад-жон ўғли, Ҳамза ва бошқалар ҳам кўп-кўп шеърлар, мақолалар, хикоялар, сахна асарлари ёзишган. Шулар қаторида Абдулла Авлоний ҳам бу машум воқеа халқимиз бошига қандай фожиалар солганини баён қилаётган қатор шеърлар ёзди. Уларда ўзбек оилалари, ота-оналар, мардикорликка кетаётган болаларнинг туйғу-ҳислари, чекаётган изтироб-

уруш бўлса, кимлардир фойдалангани, оддий халқ доим эзилиб-янчилиб келаётганини бутун жаҳидлар, шу жумладан Абдулла Авлоний ҳам чуқур идрок этарди. Шу ҳаётини-аниқ тажрибалардан келиб чиқиб, жаҳидлар Ислоҳот йўлини танлайдилар... Ислоҳотлар эса фақат илм-маърифат воситасида амалга ошад деб қараш, ёшларни айни шу гоёга таяниб тарбиялаш мазкур оқим тарафдорларининг бош мақсади бўлиб қолади. Зеро айни мана шу гоё ўзбек жаҳидларининг тафаккури негизини ифодаларди. Илм-маърифатни жаҳонда энг юксалган мамлакатлардаги ўқиш-ўқитиш даражасига кўтариш — миллитни ўзлигини англашга етказиши мумкин деб ҳисобланарди... Бундай олий мақсадларни амалга ошириш учун ёшларга ўз она тили, адабиёти, тарихи, диний илмлари, чет тилларни ҳам ўргатиш, улар орасидан чиққан энг истеъоддорларини — жаҳонда энг ривожланган мамлакатларга юбориб ўқитиш вазибалари ҳам асримиз бошлариди кун тартибига қўйилган... Октябрдан олдин ҳам, ҳатто кейин ҳам — 20-йилларда бир қатор ўзбек йигит-қизларини Германия, Туркияга юбориб ўқитишда Фитрат, Файзулла Хўжаевлар жонбозлик кўрсатганлари ҳақида ахборот воситаларида маълумотлар аяқларда ҳам эълон қилингани — асли ўша Бехбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Исмоилбеклар, Маржонийлар сингари буюк зотларини бошлаб берган ишларнинг давоми эканлигини тушуниб олиш қийин эмас... Аммо бу ташаббусларнинг ҳаммаси — фитначи шўрочилар, ўзларини коммунистлар деб атаган кўпуровчилар томонидан қонхўрликка тор-мор қилинди...

Миллий тарихимизнинг асримиз бошлариди кечган жараёнлари ҳақидаги қисқача фикр-мулоҳазаларимиз бизнинг Истиқлол фидойилари бўлмиш буюк сиймоларимиз интила-интила етолмаган мақсадлари бутун амалга ошаётганини ким билмайди?! Буни англамаслик учун, қадрига етмаслик учун ё руҳий хаста ёки ўта ёвуз кимса бўлмоқ керак... Биз ўшбу тарихий ёзаётган кунларда — Тошкентдан бошлаб, республикамизнинг деярли барча вилоятларида — 6-8 ойларида қурилиб битган бир қатор лицей, коллежларнинг хашаматли биналари очилишига бағишланган тантаналар теледиоларда эълон қилиниб турарди... Абдулла Авлоний ва унинг барча ҳамфикр замондошлари орзу-хавас қилган кунлар асли шу кунлар эмасмиди?! Пойтахтимизда биринчи очилган айрим ўқув юрти тантаналарида иштирок этган Юртбошимиз — бу ерда ёшлар онгига миллий гоёларни чуқур сингдириш, уларни миллий мафқура, Ватанга муҳаббат руҳида тарбия бериш, ўз миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш, шу билан бутун маънавиятнинг ривожлантириш гоёларини сингдириш ҳозир нақадар муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар... Яна айни кунларда — Тошкентда Ислам университетининг очилишига бағишланган анжуман ҳам бўлиб, унда ҳам Юртбошимиз иштирок этдилар... Бу йил мазкур ўқув юртига беш юз ариза тушгани, шундан 114 бола қабул қилингани ҳақидаги маълумот ҳам эълон қилинди... Шу ўринда яна бир муҳим далилни келтиришга эҳтиёж бўлди: Мустақиллигимизнинг 8 йиллигини нишонлаш муносабати билан дунёнинг турли бурчақларидан, жуда эътиборли давлат ва жамоат раҳбарларидан Президентимиз ва халқимиз номига табрик телеграммалари келди, улар ўқиб эштитрилди, чоп этилди... Шулар орасида Жиддадан — Ислам Конференцияси Бош котиби Ал Ироқий юборган табрик телеграммаси ҳам бор. Бунда Ал Ироқий Ўзбекистон раҳбарининг ислом динига нисбатан кўрсатаётган ҳурмат-иззатини, пок эътиқодини алоҳида таъкидлаб катта миннатдорчилик изҳор этади. Айни кунларда биз нега бунга алоҳида уруғ бердик? Бунинг сабаби бор: динни рўқча қилиб босмачилик, ўғрилик, ҳунорезлик қилаётган ёвузлар билан чинакам иймон-этиқодга риоя қилиб яшаётганлар ўртасида ер билан осмондек фарқ борлигини доим эслаб туриш — бугун ҳаёт тақозоси бўлиб қолди. Айрим фарзгўй ёки ўта содда — жоҳилликка мойил кимсалар доим динни баҳона қилиб ёвузлик қилаётганларга асир бўлиб қолаётди-ку! Бу ҳолатни биз эътибордан чиқара олмаимиз!..

Агар биз Абдулла Авлоний ҳаёти ва ижодида, ундан қолган маънавий меросга шу нуқтаи назардан ёндошсак, яратган шеърлари, насрий асарлари, таржималари, драмалари, хуллас дарслик ва қўланмалари, бутун ҳаёти-ю фаолияти бугун бой бир миллий-маънавий хазинадан иборат эканига янада чуқурроқ ишонч ҳосил қиламиз.

Аҳмад АЛИЕВ.

### Истиқлол ва миллий қадриятларимиз

## Х. ТАРИХНИНГ ТАРБИЯЧИЛИГИ НИМАДА?

«...Ҳар бир миллатнинг тараққийси ва таолийси ёшларнинг илм ва маърифатида, ҳунар ва санъатида боғлиқдур...»  
Абдулла Авлоний. («Тошкент тонги», 254-б.)

## ВАТАН

Сенинг исмиг бу дунёда муқаддасдур.  
Ҳар ким сенинг қадринг билмас — ақли пастдур.  
Сенинг туғунг юракларга савдо солур,  
Сенинг дардини бошқа дардини тортиб олур...  
Онамизсан! Бизнинг мушфиқ онамизсан!  
Жавлон уруб яшайдургон хонамизсан!..

1916 йил.

бугунги фикр-мулоҳазаларимиз воситасида ўқдириб боришга интиламиз...


Агар шу жиҳатдан Абдулла Авлоний маънавиятига, адабий, маданий меросига ёндошадиган бўлсак, яна бир бой тафаккур хазинасига дуч келамиз... Абдулла Авлоний XX асрнинг бошларидеёқ Тошкентда маърифат нуруларини таратишга, ўзбек халқини жаҳонда энг ривожланган мамлакатлар фуқаролари турмуш даражасига етказиш учун ёниб яшган йирик бир зиёли, воқеалар, ҳодисаларни дунё микёсида идрок этишга қодир, уларга ўз муносабатларини чуқур ва кенг кўламли тафаккур билан баён қила оладиган шоир, олим, педагог, санъаткор, драматург, хуллас қомусий бир сиймо эди...

Юқорида айтилган айрим мулоҳазаларга биргина далил келтириб ўтатишда кейин асосий мавзунинг давом эттирамиз: мазкур мақола қозғога тушаётганда Истиқлолимизнинг 8 йиллиги тантаналари бошланиб кетган, шу муносабат билан рўй бераётган воқеалардан бири — Тошкент шаҳри Ақмал Икромов туманида янгигина қуриб битирилган коллеж биносининг очилишига бағишланган анжуман телеэкранда намоёиш қилинди. Унда турман аҳолиси, коллеж ходимлари, талай фуқаролар йиғинига ташриф буюрган Юртбошимиз нутқлари янграб қолди... Бу тантанани кўпчилик кўрди, эшитди. Шу анжуманда баён қилинган фикр-мулоҳазаларда — буюк педагог Авлоний дунёқарашиди талай муштараклик борлиги эътиборни жалб этади... Бир эслаб кўрайлик — «Сенинг исмиг бу дунёда муқаддасдур», деб Ватанга хитоб қилиш, «Ҳар ким сенинг қадринг билмас — ақли пастдур» деб — Ватан қадрига етмаганларга таъна қилиш, «Сенинг туғинг юракларга савдо солур» деб Ватан туғини улуглаш, «Сенинг дардинг бошқа дардини тортиб олур» деб — Ватан туйғусини ҳамма янрасадан устун қўйиш, «Онамизсан, бизнинг мушфиқ онамизсан», деб Ватанини — она деб таърифлаш, «Жавлон уруб яшайдургон хонамизсан!» деб — ўз Ватанида худди она қўйиндек ерқин, озод, ҳузурбахш яшаш сингари гоёт нозик, гоёт муҳим, ҳатто гоёт қалтиб бир тарихий вазиётда изҳор этилган туйғу-хислар Авлониядек буюк сиймодан нақадар теран фикрлар, жуда бой дунёвий тафаккур, шу билан бирга нақадар катта жасорат талаб қилганлигини бир ўйлаб кўрсак, аждодларимизнинг нијатлари қанчалик пок, мақсадлари қанчалик юксак бўлганлигига қойил қоламиз. Бугина эмас, уларнинг бир асра илгари — XX асрнинг 10-йил-

лари, оху нолари баён қилинади... Булар аслида чор босқинчилари эл-юртимизга не кунларни солгани ҳақидаги йилномалар сифатида тарихимизга кирарди. Фожиалар туйғули фарёд чекаётган фуқароларимиз қалбларида босқинчиларга нафрат, ўз Ватани, миллатига ҳурмат ҳиссийлари билан уйғунашган ҳолда ифода этилади. Бунинг тиб негизига чуқурроқ қарасангиз, босқинчиларга қул бўлиб яшаш, қарамлик, эл бошига солаётган фожиалар ва ундан қутулиб, ўз Ватанида «жавлон уриб» яшашга интилиш, шу гоёга жасорат билан давват этиш мақсадлари барқ уриб намён бўлади, жанрлаб эшитилиб туради...

Биз юқорида алоҳида таъкидлаб ўтган сўз-ибораларда ифодаланган маънолар, мақсадларнинг тиб манбалари — асли Абдулла Авлоний мансуб бўлган — XX аср бошларида росман шаклиниб жаҳон майдонига чиққан ўзбек жаҳидчилари тафаккурдан иборат эди. Мактаб, маориф, маърифат, таълим-тарбия, ёшларни жаҳон зиёлилари талаблари даражасига етказиш, шу билан Ватан, Миллат борлигини сақлаб қолиш — намоёиш этиш бутун тараққийпарвар миллий табақаларимизнинг олий нијати эди. Ўз фаолиятларининг кўп қиррали барча соҳаларида улар жаҳолатга қарши маърифатни биринчи ўринга қўйиш — диний илмлар билан табиий фанларни биргалликда ўқитиш масаласини кун тартибига чиқарганлариди нақадар катта тўсиқларга дуч келганликларини ҳақида талай далиллар мавжуд. Бу ўша мустамлакачилик даврида миллий мустақиллик учун кураш йўлининг энг оғир, энг мураккаб жараёнларидан бири эди... Шу ўринда яна бир муҳим нуқта бор: Абдулла Авлоний ва унинг ҳамфикр замондошлари миллий Истиқлолга нега уриш-талаш, давлат тўнтариши — қон тўкиш билан эришиш вазибаларини қўймадилар? Чунки, улар чор Россиясига қарам кезларида — бир эмас, уч-тўрт уруш даҳшатларини бошдан кечирдилар — 1905 йилги инқилоб, 1914 йилги биринчи жаҳон уруши, 16 йилги «мардикор олиш» воқеалари, 17 йилги февраль инқилоби, ундан кейинги октябрь тўнтариши, ҳатто ундан кейин яна 30-йилларга давом этган фуқаролар уруши деб қизиллар томонидан аталган — аслида Туркистонда ерли халқларнинг ўз озодлиги учун курашлардан иборат бўлган — аввал чор ҳукумати, кейин қизиллар босқинчилигига қарши олиб қилинган қонли урушларни ўз кўзлари билан кўрдилар... Урушлар ҳеч қачон халқларга рўшнолик келтирмагани, қачон

### Шарқ дурдоналари



◆ **ҲИКОЯТ.** Қиз йигитнинг саволига жавобан деди: — Кишининг қалбиди куйидаги бўстонлар бўлади. Биринчи — илм бўстони, иккинчи — мулоимлик бўстони, учинчи — ихлол бўстони, тўртинчи — камтарлик бўстони, бешинчи — саховат бўстони, олтинчи — ризо бўстони, еттинчи — умид бўстони!

Йигит: — Бу бўстонларда нималар бўлади? — деб сўради.

Қиз деди: — Киши равақ топаи деса, аввало, илм бўстони-га қиради ва у ердан нодонлик ва жоҳиллик хашакларини юлиб, узокқа отади. Сўнг мулоимлик бўстони-га қиради ва бу бўстонда адоват ва ҳасад тиканлари ўсган бўлса уларни узокқа отади. Сўнг ихлол бўстони-га қиради ва бу бўстонда риё ва бадғумонлик хашаклари бўлса уларни юлиб, бўстонни тозалайди. Сўнг камтарлик бўстони-га қиради ва бу бўстонни такаббурилик ва мағрурлик хашакларидан халос қилади. Ундан сўнг ризо бўстони-га қиради ва бу бўстонда манманлик ва қайсарлик тиканлари бўлса, бўстонни улардан холи қилади. Сўнг умид бўстони-га қиради ва бу бўстонда умидсизлик ва тушкунлик тиканлари бўлса уларни юлиб отади.

Йигит қизнинг ақлига яна ҳам қойил қолди ва шунча ёшга кириб, бундай оқила қизни кўрмаганини ҳис этди. Сўнг қиздан сўради: — Эй қиз, шунча ёш бўла туриб, шунча илму ҳикматни кимдан ўргангансан?

Қиз: — Ота-онамдан! — деб жавоб берди.

◆ **Эй ўғил, бўлма ёмонлар уфати,**

**Толлиби дунё, аёл ҳамсўбатини.**

**Меҳри дунё оташи сўзон эрур.**

**Ҳам ёмон уфат балойи жон эрур.**

**Заҳри бор дунёни сўеки илон,**

**Гарчи зоҳирда эрур нақши аёл.**

**Кўришур зебо ажаб қилсан назар**

**Заҳридан жонга бирор бориб хатар.**

**Золи дунё бил, келиндек безанур.**

**Ҳар замон яни кувёб деб изланур.**

**Мақбул удирки, бу жефтани бўлса тоқ.**

**Орқасин ўғирсаю, қилса талақ,**

**Ул кувёбга боқур кулиш билан!**

**Сўнг ҳалок қилгай заҳарли тиш билан!**

Фариҳиддин АТТОР.

◆ **Маслаҳат шошмаслик билан иш эса сўрват билан бўлади.**

◆ **Ҳар ким озод бўлиб, шармандалиқдан холи бўлай деса тамадан узок бўлиши керак.**

«Маҳзан ал-улум»дан.

◆ **ҲИКОЯТ.** Бир кун Бағдод вилоятида бир неча бола бир кўчада уйин билан машғул эдилар. Ўша шаҳарнинг ҳокими дам олиш мақсадида от миниб, ўша кўчадан ўтиб борарди. Ҳокимнинг асари у ерда зоҳир бўлган, бир бола ақлинг муаллими кўмағида бу холини сезиб, ўрнидан турди ва одоб юзасидан чекага чиқиб, девор остиди турди. Бошқа болалар эса ҳеч нарса сезмагандек туравердилар. Қизгин ўйиндан эса тўхтамадилар. Буни кузатиб турган подшога бу боланинг ҳаракати ёқди. У отини бола томонга бир оз юргизиб, унинг диққатини ўзига қаратди. Уни имтиҳон қилиб қўриш мақсадида қўлдан узугини чиқариб, болаларнинг ўртасига отди ва деди: «Кимки узукни олдинроқ топиб келса шоҳона ҳадя олади». Болалар олдинроқ узукни топишга ҳаракат бошладилар. Ногоҳ биттаси топиб, уни подшога олиб келди. Ҳақиқи бола эса ўёгини одоб чегарасидан чиқармай, жойидан жилмай турарди. Фард:

**Ҳар ким одоб сурмасидан тортса ҳаё кўзига,**

**Мақсад келиши кўрар қаршида беҳусоб.**

**Подшо кўз қирини унинг ҳолатини кузатиб**

**турар эди. Бу сафар узукни унинг олдига ташлади.**

**Бола эса узукни ердан кўтариб олиб, чангини артдида, бир ўпиб, одоб ва ҳаёзидан секин-секин**

**юриб келиб, икки қўллаб подшога узатди. Подшога унинг одоб ва ҳаёсининг чиройлилиги ёқди, деди:**

**Одоб ўз эгасин бир-кун етказар,**

**Иззату обрўга ва саобатга.**

**Одобнинг боғидан терса ҳар ким гул,**

**Ҳаётни тўлади ҳуш тароватга.**

**Одобли кишилар топар яхшилик,**

**Бедоб бешишонди, бил, маломатга!**

**Гапини қисқаси шуки, подшо болаларнинг ҳар**

**бирига инъом ҳадя қилди. Сўнг ходимлардан бирига қараб деди: «Мана бу боланинг ота-онасини топиб,**

**рози қил, болани бизга берсин, тарбиялашга арзийдиган бола экан».**

**Қитъа:**

**Покиза, ақли, хушёр ҳар бола,**

**Ҳайфидр агар кўрмаса тарбият.**

**Илмининг партави нурун сочмасай,**

**Қашида бўлмаса агар маърифат.**

**Ёқитнинг юзига бермаса парвоз,**

**Ҳеч қачон бўлмас тожи саатанат!**

Барқурдор ибн МАҲМУД.

◆ Билимингни ҳиммат қамари билан мустаҳкамла, донолар изидан юришга инти!

Муҳаммад ЗЕХНИЙ.

◆ Халқ кимдан кўрқса, демек ўша одам ёмондир. Халқ билан бирга хато қилиш яқка-ёлғиз ҳолда хайрли иш қилишдан афзал!

Сен халққа қанча аралашсанг халқ ҳам сенга шунча ёндошади.

◆ Узиға мафтун бўлиш аҳмоқликдир.

Аҳмоқ одамдан аччиқланмоқ ўлик устиди ашула айтмоқ билан тенг.

◆ Аҳмоқ амалдан тез қулайди.

◆ Аҳмоққа салом берсанг мендан кўрқяпти, деб ўйлайди.

Аҳмоқнинг юраги оғзиди, ақли одамнинг тили эса юрагиди бўлади.

◆ Одамнинг ақли сўзидан билинади.

**Ақли, шуурли бўлса ҳар киши,**

**Фақат керак сўзни сўзлаидир иши!**

◆ Нодонлик — маънавий қашшоқлик.

Фаҳми й

Нуронийларимиз

ЯШАШДАН МАҚСАД

- Набира бобосидан сўрайди:
- Бобо, бу кимнинг сурати?
- Бу менинг суратим, чирогоғим.
- Нега аскар кийимида турибсиз?
- Ёшлигимда ҳарбий бўлганман.
- Урушга борганмисиз?
- Бобо чуқур хўрсиниб, жавоб беради:
- Борганман, бўталогим, борганман.
- Бобо, уруш қанақа бўлади?
- Сўрама бўтам, урушнинг номи ўчсин.



МУЗЕЙИ

Пойтахтимизнинг Яқсарой туманидаги Абдулла Авлоний маҳалласининг Имом ат-Термизий Кўчасидаги 72-уйда жойлашган «Хотира ва Қадрлаш» музейи билан танишувимизнинг дастлабки дақиқалари ана шундай суҳбат билан кечди.

Музейнинг жанговар ва меҳнат шухрати хонасидаги тарихимизнинг оловли йилларидан гувоҳлик берувчи сурат-лавҳаларни кўзиб, бирма-бир кўздан кечираётган бобо беш ёшли набирасининг тинимсиз саволларига жавоб беришдан чарчасмади.

Улар суҳбатини бир зумга бузиб бўлса-да сўрадик: — Бизга Сайфиддин ота керак эдилар.

— Менман. Ҳўш кейлиб-сизлар, ҳизмат. — Кейин кўшиб кўйдим: — Анчадан бери набирамга музейни томоша қилдиришни ваъда қилардим. Бугун шунга кўра «экскурсия»га чиққанмиз.

Танишувдан сўнг ташрифимиз сабабини тушунтирдик.

— Жуда яхши, — деди отахон хурсанд бўлиб. — Камтарин ҳизматимизни кадрлаб келганларингиз учун раҳмат. — Ҳўш, суҳбатни намадан бошлаймиз? Олдин музей билан танишувга келишдик.

Уруш ва меҳнаторти хонасидаги лавҳаларни кўздан кечира туриб хаёлимизда ўта дахшатли уруш суронлари жонлангандек бўлди. Сайфиддин ота хар бир экспонат, сурат, лавҳа ҳақида берилиб ҳикоя қилар, моҳир экскурсиячилардек уларнинг тарихи, тафсилоти билан яқиндан таништирдик.

Кўзимиз лавҳаларда, хаёлимизда эса: «Ахир бунча нодир бойлиқни жамғариш ўз-ўзидан бўлмагандир. Уни тўплаш, расамлади билан жойлаштириш учун озмунча меҳнат сарф-

ланганми? Музейни ташкил қилишдаги югур-югурлар, муаммолар-чи? Булар осонликча хал бўлмагандир ахир? Нахот бир киши қисқа вақт ичида шунча ишни беминнат қилишга улгурди. Бунинг учун инсонда ишонч, қатъият ва қобилиятдан ташқари кучкуват ва қудрат ҳам бўлиши керак-да! Шу ҳақда Сайфиддин отадан сўраганимизда у киши камтарона қилиб деди: «Менда бу фикр урушнинг энг оғир йилларида пайдо бўлган. Қонли жангларда қурбон бўлган қурлоқларимизнинг ёрқин хотирасига бағишлаб уларнинг оғир кечмиши ва сўнгги кунлари ҳақида ҳикоя қилувчи шундай музейни барпо этишга ўшанда бел боғлаганман. Бугун уларнинг руҳи олдида юзим ёрғ. Ниятимга етдим. Бу музей менадан маҳалладошларим ва авлодларга эсдалик бўлиб қолишни ўйлаганимда орзу йўлида чеккан барча заҳмату машаққатлар унут бўлади. Дилим равшан тортиб, чарчоқларим йўқолади. Умрим зое кетмаганига, беҳуда яшамаганимга қувонаман. Зеро, ҳаётда бемақсад яшаб бўлмайди».

Ха. ҳозир музей ўзига хос маълумотлар масканига айланган. Маҳалладошлар бу ердан фронтга кетиб, қайтиб келмаган ёки урушдан қайтиб тинч тикланиш йилларида жасорат кўрсатганлар ҳақида тўлиқ маълумотлар олиши мумкин. Музейдаги эсдалик тибобидан жуда кўп одамларнинг дил сўзлари ўрин олган.

Шунингдек, музейда маҳалла фахрийларидан Ботир Бобоев, Абдусаттор Эшонқулов, Павел Ковтун каби қаҳрамонлар ва бошқа фронтчилар билан бирга аффон урушида жасорат кўрсатганлар ҳақида ҳам маълумотлар етарли.

Сайфиддин ота гапиряпти, менинг кўз ўнгимда эса ўтмиш жонланяпти.

Урушда қанчадан-қанча элдошларимиз, ҳамшахар-

ларимиз жонларини қурбон қилдилар, мусофир юртларда бекафан қўмидилар. Сочлари қордек оқарган онахонлар, бевалик азобини тортган мунис аёллар ҳамон беҳадар йўқолган фарзандлари, умр йўлдошларини кутадилар. Шундай бўлиши ҳам табиий, чунки инсон ҳамisha бир-бирини йўқлаб, эслаб, ўтганлар руҳига дуои-фотиҳа қилиб ўшади. Бу одат халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган...

Сайфиддин отанинг ҳаёт йўли осон кечмади. Айни гуллаган ёшлиги урушнинг оғир йилларига тўғри келди. Аввалига у фронт ортида галабани таъминлаш учун куну тун меҳнат қилди. Лекин орзуи фашист газандаларига қарши жанг майдонидан курашиш эди. Шу йўлда ҳаракат қилиб, 1942 йили пулемёт, миномёт ҳарбий билим юртига ўқишга киришга муяссар бўлди. Маълум муддатдан сўнг ҳарбий билим юртини битарган бир неча талабалар қатори Сайфиддин Йўлдошев ҳам фронтга жўнатилди.

Дастлабки жангни Сталинград яқинидаги Сақко ва Ванцетти аҳоли пункти яқинида бошлади. Душман мудофаа чизигини ёриб ўтиш учун қаттиқ ҳаракат қилар, бунинг учун қудратли техника ва кўп сонли ҳарбийлар жалб қилинганди. Мудофаада турганлар эса душмани яқин йўлатмас, уни олға силжишга йўл қўямасдилар.

Ва ниҳоят 1942 йилнинг 19 ноябрь тонгида артиллерияимизнинг жанговар кучлари душман устига ўқ ёғдира бошлади. Довдираб қолган фашистлар тум-тарақай қоча бошладилар. Бу Сталинград остоналарида фашистларга қарши бошланган йирик ҳужум эди. Душмани ортга қуввиш пайтида пулемётчи Сайфиддин Йўлдошев ҳам катта жасорат кўрсатди. Лекин у кўнчилик қурлоқлари билан бир қаторда оғир яраланди.

Биз уруш қатнашчиси Сайфиддин отанинг ўша оғир

дамлардаги ҳаётидан бир лавҳа келтирдик, ҳолос. Уруш азобларини кўрган, кўлга киритилган галаба қанчалар, бевалик инсонларнинг қони эвазига келганлигини яхши ҳис қилган Сайфиддин Йўлдошев меҳнат фронтида ҳам жасорат кўрсатди. Уни Ватан қаерга юбормасин, ҳалол ва фидокорона меҳнат қилди. Эл-юрт хурматиға сазовор бўлди. Эндиликда унинг ёши 77 дан ошган бўлса-да, баҳоли қудрат элга савобли хизмат-қилиб келяпти.

— Кейинги вақтларда маънавият ва маърифат масалаларига кенг эътибор қаратилмоқда, — дейди Сайфиддин ота. — Шунинг орзарида тутиб музейни янада бойитмоқчиман. Маънавият ва ёшлар тарбиясига оид бўлимларни ташкил этмоқчиман. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Президентимизнинг Фармони билан 9 Майнинг қатори Сайфиддин Йўлдошев деб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Пойтахтимизда Хотира майдонининг очилиши эса Мустақиллик даврида инсон хотирасига ва қадри юксак қадриятларга айланганининг ёрқин тимсоли, мустақиллик тафаккурининг яна бир қарра юксак намоён бўлишидир.

... Катталар суҳбатига маҳлиё набира бобосининг оқилдан тортиқлайди.

— Бобо, мана бу кимнинг сурати?

— Ботир Бобоев деган одамкин.

— У ким бўлган, урушда қатнашганми?

— Катнашиб, қаҳрамон бўлган.

— Анави ким?

Набира савол беришдан, бобо эса жавоб беришдан чарчамайди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ. СУРАТЛАРДА: Сайфиддин ота Йўлдошев. Рустам Шарипов олган сурат.

Ҳозирги замонда умумий аҳолининг 15 фоизини қариялар ташкил қилади. БМТ кўрсаткичлари буйича 2020 йилга бориб бу рақам 2 баробар кўпайиши кўзда тутилмоқда. Бу борада қарияларни муҳофаза қилиш, қариллиқнинг олдини олиш тиббиёт ходимларининг вазифаси бўлади.

Эъзо

ДАРДИНГИЗГА ДАРМОН БўЛАЙЛИК

Хурматлаб, ўз вақтида касалликларини олдини олиш учун барча чораларни қўриб ўларни узоқ йиллар қариллиқ гаштини суришларига ёрдам қилишнинг лозими. Бу борада тиббиёт соҳасида охириги 5-10 йил ичида анча-мунча илмий ишлар амалга оширилмоқда. Олий ўқув юрталарида, тиббиёт қўшоналарида уларни ўрганувчи «гериятрия» фақиға алоҳида ахамият берилётганининг ўзи ҳам фикримизнинг далилидир.

1-Тошкент Давлат тиббиёт институти ходимлари эса «Жорж Сорос» халқаро хайрия жамғармасининг республикада гериятрия бўйича иш олиб боровчи мутахассислари билан биргаликда қатор тадбирлар ўтказиб, ушбу долзарб муаммони ечишга ўз ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилляптилар. Бундай тад-

бирларни юшатиришда бизга ижтимоий таъминот идоралари, Хотин-қизлар қўмиталари, Миллий реабилитация маркази ходимлари ва «Таянч» бирлашмаси бевосита ёрдам берапти. Мана шу ҳамкорлик туфайли яқинда Халқаро Ибн Сино жамғар-

ширалар учун, кейин вилоят бош шифокорлари, бош шифокорлар, Хотин-қизлар қўмиталари, Миллий реабилитация маркази ходимлари ва «Таянч» бирлашмаси бевосита ёрдам берапти. Мана шу ҳамкорлик туфайли яқинда Халқаро Ибн Сино жамғар-

маси қошида ҳам 15 дан ортқ олимлардан иборат гериятрия гуруҳи тузилиб тасдиқланди. Ҳозир гуруҳ аъзолари ўз дастурини белгилаб, иш бошлаш арафасида туришибди.

Қариялар билан ишлашда фаол қатнашаётган гериятриялардан Ширин Аскарова, Ҳафиза Зударова, ассистентлар Рифат Ҳазиев, Елена Окунскаяларнинг номларини қайд этиб ўтмай бўлмайди. Шунингдек, врачлар малакасини ошириш институтининг «Кардиология» бўлими ходимларидан Мухтар Исмоилова ва Дилшоҳон Кодировалар ҳам баҳоли қудрат ёрдам қўлларини қўшимсоқда. Грант лойиҳамиз бўйича «Нуронийлар» санаторийсида, Зиёмова кўчасидаги «Қариялар уйи»да аввалига шифокорлар, ҳам-

«ОЛИЖАНОБ ЁШЛАР» КЛУБИДА

Ҳар соҳада — сановатда, транспортда, қурилишда, иқтисодий ҳаётда юксалиш бўлганидек, маънавиятда ҳам янгиликлар, тараққиёт янада ажас олмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон билмаган, унинг раънақиға бефарқ давлат йўқ ҳисоб. Мустақиллик туфайли миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга ҳорижда ҳам қизиқиш катта.

Шу боис Акмал Икромов тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон Жаҳон Тиллари университети ҳамда 2-ТошМИ раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган «Мехмондўстлик ва аҳборот хизмати» республика жамоат ташкили «ОЛИЖАНОБ ЁШЛАР» Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган чет эллик оилалар ҳамда хорижлик тадбиркорлар фаол аёллар билан узвий алоқа ўрнатган. Ташкилотнинг мақсади юртимиздаги ҳаёт, турмуш тарзи, иқтисодий тараққиёти, хотин-қизлар-

нинг, ёшларнинг оила, давлат ва жамяят тараққиётидаги ўрни, шунингдек, ўзбек миллий байрамлари қадриятлари, урф-одатлари билан яқиндан таништириш имконияти бўлганда меҳмонларни бу байрамларда иштирок этишлари таъминлашдир. Шунингдек, Ўзбекистон тарихига оид музей ва кўргазмаларга саёҳат уюштириш, қадимий ва наваърон тарихий шаҳарларга туристик саёҳатлар ташкил этиш ҳам мақсадлардан биридир. Маънавият билан боғлиқ тадбирларда иштирок

қўлаб қизқарли таърилар, учрашувлар ўтқайиб турилиши яхши аънаға айланган. Учрашувда мадрий-маърифий, тиббий соҳада қўлга киритилётган қўллар юзасидан ёшлар лан фикр алмашувлар ҳамда қизиқиш уйғотди. Японик Моренико хонимнинг ёрдамчилик билан қаршиладилар. Шу кунни япониялик олимлар бундай учрашувлардан катта таассурда эканликларини, Ўзбекистонликларнинг меҳмондўстлик, очикқўнглилик, ҳансезварлик каби хислатлари Японияда ҳам ниҳода қадрланганини маънуят билан изҳор этдилар.

Дилна МУҲАММАДЖОНСА, Жаҳон тилли Университети қошидаги чет тиллар лицейи ўқувчи.

Кўргазмалар ТАСВИРЛАРДА ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий тасвирий ва амалий санъатимиз ривожига кенг йўл очилди. Мусавирлар тарихий ва замонавий мавзуларда эмин-эркин ижод қилиш баҳтига сазовор бўлдилар. Халқ бевақоли ҳунармандчилигининг йўқ бўлиш арафасида турган соҳалари тикланди. Миниятура ранг-тасвирига қизиқиш ортди. Ёш, истеъдодли мусавирлар рағбат, эътибор топдилар.

миш воқеаларини ҳамда замонавий турмуш ўзгаришларини, буюк мутафаккир, алломаларни, олим фузаларни акс эттирувчи воқеабанд, кенг қамровли композициялар алоҳида ажралиб турибди. Э. Машраповнинг «Жалолдин Мангуберди», «Алломиш», Р. Худойбергановнинг «Спитамени», Э. Фахриддиновнинг «Хоразмшоҳлар сулоласи», «Шатранж ўйини», А. Алиқулбековнинг «Сўнгги нафас қолгунча», С. Қозоқовнинг «Ривоят», Т. Қуръоновнинг «Жалолдин Мангуберди», М. Набиевнинг «Мунаввар», «Мухаммад Али Шивон» номли ижодий ишлари шундай ажойиб асарлар сирасига қиради.

Юртбошимизнинг чиқарган Фармонлари билан Ўзбекистон Бадий академиясининг ташкил этилиши айни муддао бўлганлиги, мусавирлар фаолиятининг ривожини таъминлаганлиги сир эмас. Бу эътиборга жавобан ижодкорлар кўлаб ажойиб санъат намуналарини яратмоқдалар. Мамлакатимизда турли тарихий саналарга бағишлаб ўтказилаётган кўргазмалар буни исботлаб турибди, десак аниқлимаймиз. Улар мусавирларимиз эришяётган ютуқларни намоён қиляпти.

Истиқлол байрами кунларида Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида мамлакатимиз Мустиқиллигининг 8 йиллигига бағишланган «Мустиқил Ўзбекистон» номли тасвирий ва халқ амалий санъати кўргазмаси очилди. Унинг Республика Фанлар академияси, Ўзбекистон Тарихи давлат музейи томонидан ташкил қилинган биринчи — дебо-

ча қисмида мамлакатимизда 8 йил мобайнида эришилган ҳар соҳадаги ютуқлар суратлар, диққатга молик тарихий ҳужжатлар, ноёб, тарихий аҳамият касб этувчи буюмлар, турли иншоотларнинг макет-лойиҳаларни воситасида ҳикоя қилинган.

Кўргазманинг иккинчи қисмида эса рангташвир, графика, ҳайкалтарошлик, халқ бекзак-ҳунармандчилик санъатининг 600 га яқин намуналари намоён этилмоқда. Турли услубларда яратилган асарларнинг муаллифлари тасвирий санъатнинг барча жанрларида ижод қилганлар. Улар асосан композиция, манзара, портретлардир. Кўргазмадан Н. Набиев, Н. Қўриқов, Н. Бобоев, Р. Чориев, А. Мирзо, Б. Жалолов, Р. Худойбергенов, М. Нуриддин, Э. Машрапов, И. Баҳромов, О. Қозоқов, Э. Фахриддинов, А. Алиқул, М. Тошмуродов, А. Жамолов, С. Раҳметов ва бошқа кўлаб мўйқалам усталарининг турли мавзулардаги асарлари муносиб ўрин олган. Улар орасида, айниқса тарихий ўт-



Кўргазмадан халқ амалий санъати усталари, моҳир ҳунармандларнинг ҳам бир неча юзта ижодий ишлари ўрин олган бўлиб, улар безакчиликнинг турли соҳаларига мансуб. Улар орасида қандакорлик, ёғоч ўймакорлиги, каштакчилик, гиламдўзлик, қулоччилик, миллий ҳайкалтарошлик намуналари мавжуд.

Кўргазмага ташриф буюрган санъат ихлосмандлари Мустиқил мамлакатимизнинг ўтмиши, бугуни, истиқлол даврида эришилётган ютуқлар билан танишиб, бир олам завқ олмоқдалар.

Баҳром ТОЖИБЕВ, Ўзбекистон Бадий академияси Ижодкорлар уюшмасининг аъзоси. СУРАТЛАРДА: кўргазмага қўйилган асарлардан намуналар.

Шахмат ГРОССМЕЙСТЕРЛАРИМIZ КўПАЙМОҚДА

Эндиликда жаҳон шахмат марказларидан бирига айланган Араб Амрикликларининг пойтахти Абу Дабби шаҳрида ҳақиқатда батафсил маъмурият қилинган биринчи марта дастлабки гроттмейстеримиз Георгий Аъзамов эшитган эдим. 1986 йили Аъзамов бу ерда бир ойна бўлиб маҳаллий шахматларга сабоқ бериб қайтган эди. Ҳақиқатда Абу Дабби шаҳрида эса навабдаги жаҳон шахмат Олимпиадаи муваффақият билан ўтган эди. Мана тўққиз йилдир Абу Даббида нуфузли халқаро турнир беҳато ўтказиб келинмоқда ва уларнинг деярли ҳаммасида республикалик вакиллари қатнашиб, кўп ҳолларда юқори ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Чунки, аввалларда гроттмейстерларимиздан Александр Ненишев, Рустам Қосимжонов беш соврин эгаси ҳам бўлгандилар. Бу галги Абу Дабби — 9 халқаро турнирда эса саккиз нафар вакили учта халқаро гроттмейстер ва бешта халқаро мастерларимиз иштирок этиб, айни кўнгидагидек натижа кўрсатдилар. Кўпгина мамлакатлардан ташриф буюрган 34 нафар иқтидорли шахматчилар ўртасида бошланган баҳсининг дастлабки етти туридан сўнг пешқадамликка ўтиб олган турки иштирокчи танлаб олиниб улар ярим финал, сўнгги финал беллашувларида дона суришти. Энг эътиборли жойи шундаки, бу турнирда пешқадамнинг учтаси Ўзбекистон вакиллари эди. Финалда чирчиклик гроттмейстер Михаил Салтаев билан самарқандлик «беш минута кам» гроттмейстерлар Шухрат Сафин учрашдилар. Улар умумий ҳисобда тўққиз имкониятдан 6,5 тадан очко жамғарган, бош соврин қўшимча кўрсаткичларига кўра Салтаевга теғди. Сафин эса иккинчи соврин эгаси бўлибгина қолмай халқаро гроттмейстерлик талабларини ҳам адо этди. Ҳа, гроттмейстерларимиз сони яна биттага ортадиган бўлди. Туртинчи соврин чирчиклик халқаро гроттмейстер Сайдали Йўлдошевга насиб этди.

Мутасаддилар ўзбекистонлик шахматчиларни аънавий турнирнинг доимий пешқадамлари сифатида хурмат билан тақлиф қилдилар.

ЖАҲОН БОЛАЛАР ОЛИМПИДАСИДА

Шу кунларда Кримнинг машҳур болалар оромгоҳи — Артеда навабдаги жаҳон болалар Олимпиадаси қизгин давом этмоқда. Кўпгина мамлакат терма жамоалари орасида бизнинг ёш вакилларимиз ҳам кўтаринки руҳда дона суришмоқдалар. 16 ёшга булган шахматчилардан иборат терма командимиз таркибиде спорт мастерлигига номзодлар — наманганлик Баҳодир Холмирзаев билан Ольга Сон, чирчиклик Леонид Козак ва қаршилиқ Анвар Ражабов бор.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзиллимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қўроғ бичими А-2

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0715.

Босмага топшириш вақти 11.30

1 2 3 4 5 6